Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
21 май
ШАНБА


№ 40
(12.364)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!




**АНГРЕН ШАҲРИ**

## ОБЛИҚДА НАВҚИРОН СПОРТЧИЛАР

**Ангрендаги "Облиқ" спорт мажмуасида спортнинг кураш ва дзюдо турлари бўйича навбатдаги мусобақа бўлиб ўтди. Унда 16-17 ёшли спортчи-ўсмирлар иштирок этишди.**

Мусобақа ғолибларининг маҳорати Ўзбекистон, Германия, Россия спорт усталаридан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди. Ғолиблар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси шаҳар кенгашининг диплом ва спорт либослари билан тақдирландилар.

**Ўткир АБДУЛЛАЕВ.**

**БЕКОБОД ТУМАНИ**

## САВРАКДА ЯНГИ БОҒЧА

**Тумандаги Чаноқ қишлоғи "Саврак" маҳалласида боғча ишга тушди. Шу маҳаллада маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Норбиби Турсунова 2005 йилда боғча биносининг учдан икки қисмини хусусий мулк сифатида сотиб олди.**

Уни таъмирлаб, қайта ишга туширишга ўз ҳисобидан 8 миллион сўм сарфлади.

Ҳозир бу ерда 20 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Тўрт киши иш билан таъминланди.

**ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ**

## «ДЎСТОБОД» ГУРУҲИ ҒОЛИБ

**19-мактабнинг "Дўстобод" гуруҳи "Ўйла, изла, топ" телеўйинининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди.**

Умид Турдибоев, Маъмура Ҳасанова, Ҳамид Султонов, Бобур Эсонбеков ва Диёра Саидовадан ташкил топган жамоа 60 балл билан телеўйиннинг биринчи ўрнига сазовор бўлди.

**БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ**

## АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

**Хўжакент қишлоғидаги Ғафур Ғулом, Мустақиллик, Ибн Сино, Фурқат, Ойбек, Нодирабегим, Беруний кўчалари хонадонлари аҳли энди зангори оловдан бемалол фойдаланишлари мумкин.**

Истиқлолнинг 20 йиллиги арафасида яратилган бу шароитдан аҳоли мамнун. Лойиҳалаш ва ишни охирига етказишда фаоллик кўрсатган О. Ғойибов ва М. Мирзараҳимованинг ҳиссалари катта бўлди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**

**ПАРКЕНТ ТУМАНИ**

## ИШБИЛАРМОН ЎҚУВЧИЛАР

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан коллежларда "Ишбилармон ўқувчи" кўрик-танлови ўтказилмоқда.**

Ўзбекистон Либерал демократик партияси туман кенгаши касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликда ушбу танловнинг дастлабки босқичини ўтказди. Иштирок этган талабалар низом шартларига асосан ўзлари тайёрлаб келган ишлари, ижод намуналарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Агросаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари М. Назарова, Г. Азаматованинг ҳамда тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи вакиллари А. Назимов, С. Собитовнинг кўрик-танловга кўрган тайёргарликлари пухта эканлиги эътироф этилди.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**



## ТОҒ БАҒРИДА ҚЎЙ СУРУВИ, ЙИЛҚИ УЮРИ

**Тоғли халқнинг "Чўпон таёғи ерда қолмайди" деган ибратли гапи бор. Азал-азалдан шундай бўлганки, қўй суруви тоғнинг қайси бағрига кўчса, чўпон оиласи ҳам эргашиб яшаган. Тўққиз ака-ука Холтўраевлар отар-отар қўй сурувлари кетидан юриб улғайишган, десак муболаға бўлмас.**

Мўмин ота Холтўраев катта-кичик давраларда тилга олинса, оҳангаронликлар, албатта, "катта чўпон" таърифини қўшиб айтишади. "Ангрен" ширкат хўжалигида бош чўпонлик қилган йиллари у не-не қўйчивонларга устозлик қилмади дейсиз. Мана энди ўша "катта чўпон" таёғи тўққиз оға-ини қўлида. Уларни воҳада танимайдиган одам йўқ.

Айниқса, Абдували Холтўраев "катта чўпон" таёғининг ҳурматини ҳам, қадрини ҳам ўрнига қўйди. Унинг "Оқчасой" фермер хўжалиги туманда аллақачон оғизга тушган. Олтмиш бош қорамоли бор. Сурувидаги қўйлари 500 бошдан ошди. Чўпон-чўлиқларнинг кундалик иши от-улов билан. Тоғ-тошларни пиёда кезишнинг ўзи бўлмайди. Энди Абдували аста-секин йилқичиликни ҳам йўлга қўяяпти. Ҳозир йилқиси 20 бошга етди. Энг муҳими – тажриба учун узоққа бориб юрмайди. Укаси Ойбек фермер хўжалигини йилқичиликка ихтисослаштирган.

"Оқчасой" фермер хўжалиги тасарруфида 70 гектар сувли ер, 60 гектар лалми бор. Қорамол, қўй ва йилқилари учун озуқа етиштиришга яраб турибди. Яна 200 гектарли яйлов ҳам жониворларни яйратиб боқиш ва соғлом парваришлаш сайй-ҳаракатларида асқотмоқда.

Гапнинг индаллоси шуки, тўққиз ака-ука фермерлар Оҳангарон туманида чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

**СУРАТДА:** оға-ини Абдували ва Ойбек Холтўраевлар.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**Тадбиркорликни ривожлантириш йўлида қандай имкониятларни ишга солиш зарур? Улар учун қандай муаммолар тўсиқ бўлмоқда? Шу масалалар муҳокамасига бағишлаб, тадбиркорлар иштирокида Янгийўл туманида ўтказилган семинар-йиғилишда амалдаги қонунчиликдаги янгиликлар, хусусан, солиқ тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валюта департаментининг Тошкент вилояти бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган семинарда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонунларининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

**Шотурсун ХАЛИЛОВ.**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ**

## КОМПЬЮТЕРНИ ЯХШИ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

**Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришга оид ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги 21-мактабда апрель ойидан бошлаб ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилди.**

72 соатли ўқув дастурининг 32 соати назарий, 40 соати амалий машғулотларга мўлжалланган. Мавзулар мультимедиядан фойдаланган ҳолда ҳаётга боғлаб, кенг ёритилмоқда.

– Ўқитувчилар дарсга қизиқиш билан қатнашаяптилар, – дейди машғулот ўтказаётган А. Икромов. – Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш, керакли маълумотларни олиш ёки ўз дарс ишланмаларини киритиш мақсадида ҳар бир ўқитувчи ўз сайтини яратди.

Ўқитувчиларнинг машғулотларда эгаллаган билимлари ёш авлодга дарс бериш жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланишлари, ўқувчиларнинг дарсга қизиқишларини оширишларида қўл келиши шубҳасиз.

**Саид АСҚАРОВ.**

## КОНДА ТОМОРҚА

**"Ангрен" кўмир конида ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди.**

Эндиликда кончилар ошхоналари учун картошка, пиёз ва бошқа сабзавотлар ўзларида етиштирила бошланди. Шу кўклам 7 гектар майдонда мевали боғ барпо этилди.

## ШАҲНОЗА ҒОЛИБ

**Бадиий гимнастика бўйича Олмалиқ шаҳар биринчилиги ўтказилди.**

Ўттиз даъвогар қиз орасида 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Шаҳноза Абдушохидова ғолиб чиқди. Иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам унинг мактабдош дугоналари Анастасия Татьянкина билан Бехруза Темировларга насиб этди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

## ДОНО ВА ТАШАББУСКОР

**Чиноз шаҳридаги 1-ўрта таълим мактабида "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови ўтказилди.**

Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши ташкил этган тадбир иштирокчилари "Таништирув", "Савол-жавоб", "Қонунчиликка оид саволлар" каби шартларни бажаришди.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, Феруза Икромова 45 балл билан 1-ўринни, Камола Эрмонова 41 балл билан 2-ўринни, Нигора Носирова 39 балл билан 3-ўринни эгаллашди. Ғолибларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Шомил ТОҒАЕВ.**

## КАРАТЭЧИЛАР ГИЛАМДА

**Оҳангарон туманидаги агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежида каратэ бўйича XIII республика биринчилиги ўтказилди.**

Унда мамлакатимиздаги саккизта вилоятдан саралангган 88 ёш спортчи йигит-қизлар 25 килограммдан 75 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўзаро беллашишди.

Биринчиликда оҳангаронлик ёш спортчилар олтита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медалга эга бўлишди.

Мусобақаларда юксак техник маҳорат намойиш этган Ф. Бобомуродова, Б. Холмўминов, У. Амирзодаев, Ш. Комилов, И. Яхшибоева ва Н. Акбаров "Ғалаба ишончи" дипломларини қўлга киритишди.

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР**

## ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИ



**Олмалиқ шаҳрида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда вилоят "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Иштирокчилар Тошкент Давлат Юридик институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси вакилларининг "Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари" ва "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш" мавзуларидаги маърузаларини тингладилар.

Шунингдек, семинарда айни пайтда қизғин давом этаётган маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнлари ҳамда кўмаклашувчи комиссия фаолияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

Тадбир сўнгида маҳалла раислари ва фаоллари, талаба-ёшларнинг саволларига мутахассислар батафсил жавоб бердилар.

**Гулруҳ ЗОКИРОВА.**

**ОИЛАВИЙ СПОРТ**

**Болада оила муҳитидан спортга қизиқиш уйғонса, умр бўйи унга ошно бўлиши, соғлом ўсиб, соғлом фикрлаши учун мустаҳкам замин яратилишини эътиборга олиб, республика хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ ва Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Отам, онам ва мен – спортчилар оиласимиз" мусобақаларини ўтказмоқда.**



## ЗАНГИОТАЛИКЛАР ВОҲАДА БИРИНЧИ

Ангрен шаҳрида мусобақанинг вилоят босқичи ўтказилди. Унда спортсевар оилалар бир неча шартлар бўйича ўзаро беллашди. Жумладан, эстафета, югуриш, мерганлик ва кучлилик бобида маҳоратларини намойиш этган қатнашчилар завқ ва ҳаяжонларини томошабин ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ҳам "юқтиришга" муваффақ бўлишди. Бутун омма уларни олқишлаб, қўллаб-қувватлаб турди.

Мусобақалар ниҳоясига етгач, ҳакамлар ҳайъати ангренлик Зокировлар оиласига фахрли учинчи ўринни беришди. Оҳангаронлик Турғуновлар оиласи иккинчи ўринга муносиб деб топилди. Зангиоталик Имомовлар оиласи эса энг кучли, энг чаққон ва спортга меҳри баланд оила деб тан олиниб, биринчи ўринга сазовор кўрилди. Бу оила энди мусобақанинг тез орада Сирдарё вилоятида бўладиган республика босқичида воҳамиз шарафини ҳимоя қилади.



Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева қатнашчи ва ғолибларни табриклаб, уларга республика босқичида муваффақият тилади.

**Отабек САИДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** мусобақа жараёнидан лавҳа ва ғолиб жамоа.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

**Республика Президенти Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклифини илгари сурганди.**

Айни кунларда ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жойларда муҳокама этилмоқда. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят Минтақавий ахборот таҳлил маркази "Ўзбекистон Республикасида Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш мақсадида экспертлар йиғилишини ташкил этди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси муҳокамаси бўйича давлат бошқарув муассасалари ходимлари вакилларининг таклиф ва мулоҳазалари ўрганилиб, умумлаштирилди.

Муҳокама интерфаол усулда ташкил этилди. Йиғилганлар гуруҳларга бўлиниб, янги қонун лойиҳаси бўйича таклиф-мулоҳазаларни умумлаштириб, модераторга тақдим этишди. Таклифлар Олий Мажлисдаги қонун муҳокамаси жараёнида депутатлар диққатига ҳавола этилади.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН

**Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган анъанавий "Қўли гулдир ўзбек аёлин" кўргазма-савдосида қатнашаётган вилоятимиз чевар хотин-қизлари сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Янги-янги номларни кашф этаётган шаҳар-туман миқёсидаги кўргазмалардан яна бири Оққўрғон тумани ўлкашунослик музейида бўлиб ўтди. Унда тумандаги 21 та қишлоқ фуқаролари йиғинларидан келган 30 дан ортиқ ҳунарманд аёллар маҳсулотларини намойиш этдилар. С. Раҳимов маҳалласидан Дилдора Султонованинг болалар учун тўқиган бежирим кийимлари томошабинларга, харидорларга жуда маъқул бўлди.**



# ЧЕВАРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА




Шунингдек, Умида Ҳамидова, Салима Абдураҳмонова, Машҳура Султонсаидова ва Нодира Шарипова каби қўли гул ҳунарманд аёллар нафақат ўзлари, балки бошқа хотин-қизларнинг ҳам иш билан банд бўлишига ёрдам беришмоқда.

– Бугунги тадбир, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева, – миллий-маънавий қадриятларимиз қайта тикланиб, қадр топишида, аёлларимизнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни мустаҳкамланишида уларнинг интилувчан ва чевар-лиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор кўрсатди.

**Саида РАҲМОНОВА.**
**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

# КЕЙИНГИ ЙИЛДА 1200 ТА ҚУРИЛАДИ

*«Юртбошимиз қарори билан қишлоқ жойларда жуда чиройли уй-жойлар қурилаяпти. 2012 йилда ҳам бу қурилишлар давом этадими? Агар давом этса, қаерда ва қанча қурилади? Шундай уйлар эгаси бўлиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?*

**Аюбхон ЮНУСОВ, Зангиота тумани».**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1167-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти ҳудудида 2012 йилда намунавий лойиҳа асосида қуйидаги уй-жой қурилишлари амалга оширилиши таклиф этилмоқда

| № | Туманлар номи | Танланган ер массивининг манзили | Мўлжалланган уйларнинг сони |
|---|---|---|---|
| 1 | Бекобод т. | Й. Охунбобоев ҚФЙ, Бешюз маҳалласи | 10 |
| | | Жумабозор ҚФЙ, А.Мирзаев маҳалласи | 12 |
| | | Маданият ҚФЙ, Парчаюз қишлоғи | 16 |
| | | Ўзбекистон ф/х, Дўстлик қишлоғи | 16 |
| | жами | 4 | 54 |
| 2 | Бўка т. | Чиғатой ҚФЙ, Олтиш қишлоғи | 22 |
| | | Қорақўйли ҚФЙ, Қорақўйли қишлоғи | 12 |
| | жами | 2 | 34 |
| 3 | Қуйичирчиқ т. | Ўзбекистон 5 йиллиги ҚФЙ, А. Сулаймонов қишлоғи | 10 |
| | | Кетмонтепа ҚФЙ, Мингчинор қишлоғи | 10 |
| | | Майдонтол ҚФЙ, Жамбирчи қишлоғи | 10 |
| | жами | 3 | 30 |
| 4 | Юқоричирчиқ т. | Бордонкўл ҚФЙ, Бордонкўл маҳалласи | 20 |
| | | Истиқлол ҚФЙ, Марказий маҳалласи | 20 |
| | | Истиқлол ҚФЙ, Наврўз маҳалласи | 20 |
| | | Арғанчи ҚФЙ, Жумабозор маҳалласи | 20 |
| | жами | 4 | 80 |
| 5 | Оҳангарон т. | Дўстлик ҚФЙ, Шодималик қишлоғи | 10 |
| | | Бирлик ҚФЙ, Саритамғали қишлоғи | 10 |
| | | Озодлик ҚФЙ, Ойбулоқ қишлоғи | 24 |
| | жами | 3 | 44 |
| 6 | Паркент т. | Бошқизилсой ҚФЙ, Новдак қишлоғи | 16 |
| | | Бошқизилсой ҚФЙ, Шампан қишлоғи | 8 |
| | | Қорақалпоқ ҚФЙ, Оқтепа қишлоғи | 12 |
| | | Заркент ҚФЙ, Заркент қишлоғи | 12 |
| | | Номданак ҚФЙ, Номданак қишлоғи | 12 |
| | жами | 5 | 60 |
| 7 | Чиноз т. | Туркистон ҚФЙ, Т. Эрназаров қишлоғи | 60 |
| 8 | Янгийўл т. | Ортиқов ҚФЙ | 76 |
| 9 | Зангиота т. | Эркин ҚФЙ, Қуёшли қишлоғи | 66 |
| | | Чоштепа ҚФЙ, Тутзор қишлоғи | 12 |
| | | Ўртаовул ҚФЙ, Ўзбекистон қишлоғи | 87 |
| | | Кўксарой ҚФЙ, Гулистон қишлоғи | 32 |
| | | Бўзсув ҚФЙ, Улуғбек қишлоғи | 32 |
| | | Туркистон ҚФЙ | 13 |
| | жами | 6 | 242 |
| 10 | Ўртачирчиқ т. | Қорасув ҚФЙ, Роватак қишлоғи | 24 |
| | | Қорасув ҚФЙ, Қорасув қишлоғи | 20 |
| | | Янги ҳаёт ҚФЙ, Янги ҳаёт қишлоғи | 46 |
| | жами | 3 | 90 |
| 11 | Қибрай т. | Янгиобод ҚФЙ, Алишеробод қишлоғи | 300 |
| 12 | Пискент т. | Оқтепа ҚФЙ, Бирлик қишлоғи | 20 |
| 13 | Оққўрғон т. | Ойтамғали ҚФЙ, Бабалак ота қишлоғи | 30 |
| 14 | Бўстонлиқ т. | Думалоқ ҚФЙ, Думалоқ қишлоғи | 14 |
| | | Чимбойлик ҚФЙ, Чимбойлик қишлоғи | 32 |
| | | Чимбойлик ҚФЙ, Қорасув қўрғони | 20 |
| | | Қўшқўрғон ҚФЙ, Қўшқўрғон қишлоғи | 14 |
| | жами | 4 | 80 |
| Вилоят бўйича жами | | 39 | 1200 |

**Қўшимча маълумотларни банкнинг қуйидаги инфратузилмаларидан олиш мумкин:**
**Очиқ акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" Тошкент вилояти минтақавий филиали.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 34-А уй.**
**Тел.: 150-79-08, 150-79-12. Факс: 150-79-08.**

| № | Филиалнинг номи | Телефон рақами |
|---|---|---|
| 1. | Оҳангарон филиали | 150-45-12 |
| 2. | Бекобод филиали | (8-370) 912-50-87 |
| 3. | Ғазалкент филиали | (8-370) 742-02-80 |
| 4. | Янгийўл филиали | 150-79-75 |

**"Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Тошкент вилояти филиали.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 53-Б уй.**
**Тел.: 280-60-92, 280-60-93.**

# ҲАР БИР БОЛА ШОЛГА ҚАРШИ ЭМЛАНИШИ ШАРТ

**Республикада олиб борилган режали ва миллий эмлаш кунларининг ўтказилиши натижасида 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси полиомиелитнинг ёввойи вирусидан ҳоли бўлган мамлакат сифатида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан сертификатланган.**

Республикада ушбу вирус батамом йўқ қилинган бўлса ҳам, қўшни Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларида шол касаллиги қайд этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасига полиомиелитнинг ёввойи штамми кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш дастурининг бажарилиши, республикада, шу жумладан, вилоятимизда эпидемик барқарорликни сақлаш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги оммавий эмлаш кунларининг 6-босқичини 23-28 майда ўтказишни режалаштирган. Эмлаш жараёнида вилоятдаги қарийб 262 мингга яқин 5 ёшгача бўлган бола қамраб олинади.

Эмлаш Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатига эга бўлган, Бельгияда ишлаб чиқарилган вакцина ёрдамида амалга оширилади. Эмлаш тадбирлари поликлиника, қишлоқ шифокорлик пунктлари, боғчалар, болалар уйларида ўтказилади. Бунинг учун қўшимча эмлаш бригадалари ташкил этилди, тиббиёт ходимлари ўқитилди. Вилоятда ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 660 та эмлаш пункти, 674 та бригада ташкил этилиб, уларга 2000 дан ортиқ тиббиёт ходими жалб қилинди. Аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида, кўплаб плакат, баннер, варақа ва қўлланмалар тарқатилди.

Шу бугунгача ўтказилган 5 та босқичда вилоятимиз тиббиёт ходимлари масъулиятни ҳис этган ҳолда эмлашни тўғри ташкил қилганлари боис ҳеч қандай нохуш ҳолатлар кузатилмади. 6-босқич ҳам тўғри ташкил қилиниб, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот олиб бориб, эмлаш кунларини муваффақиятли ўтказамиз, деган умиддамиз.

**Набижон ЖЎРАЕВ, вилоят ДСЭНМ бош шифокори ўринбосари.**

**Оққўрғон туманининг 8-мактаб қошидаги ахборот-ресурс марказида "Оққўрғонлик адиблар" номли китоблар кўргазмаси ташкил этилди.**

# АДИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Кўргазмадан туман адиблари Асқарали Масаев, Абдулла Маъдиев, Турсунбой Маматов ва Абдуҳамид Мусоқов каби ижодкорларнинг китоблари ўрин олди.

Тадбирда юқори синф ўқувчилари оққўрғонлик адибларнинг шеърларини ёддан ифодали қилиб ўқиб беришди. 2-, 4-синф ўқувчилари рақс ва қўшиқлар ижро этишди.

Шунингдек, адиблар ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришди.

**Шокир ХАЛИЛОВ.**

ЭКОСАН

# ЙИЛ САРҲИСОБИ

**"ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик хайрия жамоат фондининг 2010 йилги ҳамда 2011 йилнинг 1-чорагидаги фаолияти муҳокамасига бағишланган йиғилишида маълум қилинишича, муассаса фаолиятини "Баркамол авлод йили" ва "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўз режаларини амалга оширишга қаратмоқда.**

Жумладан, аҳоли орасида экологик маданиятни юксалтириш, табиат ва инсон муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида бир қатор маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Сув ресурслари, Ер, Озон қатламини муҳофаза қилишга оид матбуот анжуманлари, Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб ўтказилган экофестиваль, экология мавзуларидаги илмий, илмий-амалий конференциялар, учрашув ва давра суҳбатлари, очиқ дарс ҳамда медиа-тур тадбирлари экологияга оид рефератлар, иншолар, расмлар танловлари, "Анъаналарни тикла – дарахт эк!" акцияси ташкил этилди.

Фонд ўтказаётган турли танловлар ҳам экология муаммоларига фуқаролар диққатини қаратишда ғоят қўл келмоқда. "Табиат: кеча, бугун, эртага", "БиоЭКОСАН" маркази, "Тошкент экологияси: менинг уйим – менинг шаҳрим", "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа", "Махсустранс"нинг энг яхши экипажи", "Энг намунали подъезд", "Энг намунали кўп қаватли уй" каби кўрик-танловлар фикримиз далилидир.

Фонд мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида насос станцияларини қуриш ҳамда сув қувурлари тортиш, қудуқлар очиш ва бошқа лойиҳалар борасида йирик ҳомийлар билан музокаралар олиб бормоқда.

**Миркарим МИРСОВУРОВ, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи.**

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

## журналистика соҳасида республика танлови

Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана – 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айём. Бу йил халқимиз Ватанимиз тарихидаги қутлуғ сана – мамлакатимиз миллий мустақиллигининг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги катта тарихий ва шонли воқеа – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб журналистика соҳасида "Энг улуғ, энг азиз" республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" деган ғоя, мустақиллик биз учун энг буюк ва энг азиз қадрият экани, мустақилликнинг ўтган йигирма йили мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш, бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маънавият ва маърифат соҳасида эришилган улкан ютуқ ва натижаларимиз, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамияти чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама очиб берилган бўлиши керак.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги соҳалари бўйича ўтказилади:

– матбуот (1-, 2-, 3-ўрин);
– телевидение (1-, 2-, 3-ўрин);
– радио (1-, 2-, 3-ўрин);
– интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари (1-, 2-, 3-ўрин).

Бундан ташқари, юқоридаги соҳаларнинг ҳар биттаси бўйича иккитадан рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
муаллифнинг паспорти нусхаси;
иш жойидан тавсияномa;
муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2010 йилнинг 1 августидан 2011 йилнинг 1 августигача бўлган даврда газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" республика танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Ижодий ишлар "Энг улуғ, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87

www.Journalist.uz

# ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

**Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2011 йил II чорагининг июнь ойи учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

1. Сухари
2. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон
3. Биринчи навли ун маҳсулоти
4. Иккинчи навли ун маҳсулоти
5. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти
6. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти
7. Кефир
8. Сметана 30 фоиз
9. Творог 18 фоиз
10. Пишлоқ 45 фоиз
11. Товуқ тухуми Д-1
12. Томат пастаси 30 фоиз
13. Картошка
14. Карам
15. Помидор, бодринг ва кўкатлар
16. Сабзи
17. Лавлаги
18. Пиёз
19. Мевалар
20. Қуритилган мевалар
21. Сок
22. Хамиртуруш
23. Сомон
24. Дудланган гўшт
25. Компот консерваланган
26. Пичан
27. Арпа, сули

**Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар:**

Гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

**2011 йилнинг 28 май кунига қадар таклифларингиз қабул қилинади.**

**Қўшимча маълумотлар учун тел.:** 233-57-61, 236-27-70.

**Манзил:** Тошкент ш., А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги, 3-қават.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

**Эл-юрт хизматида сочи оқарган кексаларимизни "нуроний отахон" дея эъзозлаймиз. Бундайларни бир кўришдаёқ ҳурматимиз жўшади, гарчи танимасак ҳам беихтиёр салом берамиз, нимадир ёрдам қилиб раҳматини эшитгимиз келади. Назаримда умр бўйи тили ва қўлидан бировга зарари тегмаган, одамларга эзгулик улашиб, кексалик бекатига етиб келган, табассум ва меҳрини бошқалардан дариғ тутмай ҳаёт кечирган одамнинг юзидагина йиллар ўтиб, ўзгача бир нур, яъни нуронийлик балқий бошлайди. Табаррук 80 ёшни қаршилаётган Раҳим ота Нурматовни илк кўрганимиздаёқ, унинг юзларида шундай нурни сездик. Хоксорлик ва салобат уйғунлашиб кетган чеҳрасига боқиб, унинг ўтмишига, ўй-қарашларига қизиқиш уйғонди.**

# УНИ МЕҲНАТ УЛУҒЛАДИ



– Ота узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишласалар ҳам хосхонадан ташқарида, одамлар орасида, қадрдон далалари бағрида ўсиб-унганлар, – деди ҳамроҳимиз ярим ҳазил, ярим чин қилиб. – Узоқ йиллар вилоят пахтачилик трестида, сўнг, вилоят деҳқончилик саноати уюшмасига раҳбарлик қилиб, нафақага чиққанлар.

Раҳим ота камсуқумлик қилиб бир пас индамай турди-да, барибир айтадиганини айтгиси келиб, ҳазиллашиб сўз қотди:

– Аммо лавозим деганинг ёлғон сен боланинг, мен нима лавозимда бўлдимки, кабинетда ўтирсам. Лавозим-мансаб – имтиёз дегани эмас, жавобгарлик! Раҳбарлик – имтиёз ёки афзаллик эмас, халқ хизматида бўлиш дегани.

Раҳим ота ҳақ. Ўзи гап орасида айтганидек, у қурган ҳаёт биносининг сайқал топиши, умид-орзуларининг рўёбга чиқишида раҳбарликка интилиш эмас, деҳқончиликка қизиқиш, қишлоқ турмуш даражасини кўтаришга интилиш асосий роль ўйнади.

Раҳим Нурматов 1954 йили қишлоқ хўжалиги илмгоҳини тугаллаганда, ўша давр тартиб-қоидаларига мувофиқ Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги жамоалардан бирига агроном қилиб жўнатилди. Бир оз фурсат ўтиб, тажрибаси ошиб, билимлари пухталаниб, туман машинатрактор станциясида бош агроном бўлиб ишлади. Кейинроқ эса, Тошкент вилоятига ишга чақириб олишди...

Одамнинг баҳосини одам беради, албатта. Раҳим ота яхшилик тилаб яшади. Ўзидан фақат яхши из, яхши ном қолдирган раҳбар сифатида эл оғзига тушди. Воҳада, аниқроғи Оққўрғон туманида бош агроном бўлиб беш йил ишлаганидаёқ, вилоятда яхши раҳбар, деҳқончиликнинг пири сифатида танилди. Устозларга унинг ҳалоллиги, дили ва қўли поклиги, камтарин бўлсада, адолатсизликни кўрганда ҳақгўйлик томонида бўлиши, айниқса, ёқарди.

– Раҳбарлик – кўпчилик билан муомала қилиш дегани, бу осонмас, – дейди Раҳим ота. – Озмикўпми обрў ва тажриба орттирган бўлсам, бунинг учун устозларимга раҳмат. Уларнинг ҳаёт йўлидан ибрат олганим, маслаҳатларини қулоқда тутганим панд бермади. Пенсияга довур бирор ҳайфсан ёки дакки эшитмай ишладим. Умр оқар сув экан. Ёмонлик билан яшасанг ҳам ўтади, яхшилик билан яшасанг ҳам. Аммо кексайиб, дунё ташвишлари-ю, югур-югурларидан қўлинг бўшаб, ўз хотира ва хаёлларинг билан ёлғиз қолганингда, беихтиёр ўтган умрингни таҳлил қила бошлайсан. Бундай пайтда ортига боқиб, ўтган умрига ачинмаган, қилган ёки қилмаган ишларидан пушаймон бўлмаган, қилган эзгуликларидан масрур бўлган кишигина, энг бахтли одам бўлса керак назаримда.

Раҳим отадан "бахтлимисиз" деб сўрамадик. Тўғрироғи, юзида балқиб турган нур, эл олдида юрган одамларга хос салобат бизни бироз иймантирди. Аммо, сўрамаган бўлсак ҳам унинг ҳаётидан мамнун эканига ишончимиз комил. Ҳар ҳолда унинг юз-кўзларидаги шукроналикни кўриб, шундай хулосага келдик... Тўрт ўғил, бир қиз, 30 дан зиёд невараю эваралар ардоғида кексалик гаштини сураётган Раҳим ота ҳозир ҳам қадрдон далаларидан кўнгил узмаган.

– Ҳамма болаларимни олий маълумотли қилдим, яхши тарбия беришга интилдим. Шукр, умидларим пучга чиқмади. Икки ўғлим маъмурий-бошқарув соҳасида, ўртанча ўғил фермер, шунинг далалари менга овунчоқ, – дейди ота шу хўжалик иссиқхонасида биз билан суҳбатлашаркан. Аслида камтарлик қон-қонига сингиб кетган ота ҳамон деҳқончилик борасида ўғилларига маслаҳатчи, устоз бўлиб қолган. Ердан унган гиёҳнинг тилини бошқалардан яхшироқ англайдиган таржимон сифатида ёш деҳқон ва фермерлардан маслаҳатию ёрдамини аямайди. Ҳатто, телефон орқали бўлса-да, одамларга эзгулик улашишда давом этмоқда.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейди халқимиз. Бу мақолни яхши маънода ҳам ишлатиш мумкин. Умр бўйи эзгулик ва меҳр улашган одам шунга ўрганиб қолади. Янада кўпроқ яхшилик қилгиси, одамларга эш бўлгиси келади. Раҳим ота билан хайрлашар эканмиз, унинг нуроний чеҳрасига қараб қалбимизда шундай хаёллар кечди. Ҳаётда ҳам, ишда ҳам отахонга ўхшагимиз келди...

**Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ.**

**СУРАТДА:** Раҳим Нурматов буғдойзорда.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Ҳаёт ва ДУНЁ

### САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

**Reuters маҳаллий телевидение маълумотига таяниб тарқатган хабарга кўра, бортида 18 йўловчи ва уч экипаж аъзоси бўлган самолёт Аргентина ҳудудида учиб бораётиб, радар экранидан йўқолган.**

Тахминий маълумотларга қараганда, Аргентина авиакомпанияларидан бирига қарашли Saab 340 самолёти ҳалокатга учраган ва бортидаги ҳамма одамлар бахтсизлик қурбони бўлган.

Associciated Press тарқатган хабарда айтилишича, самолёт Лос-Менукос шаҳри яқинида ҳалокатга учраган. Шаҳар ҳокими маҳаллий телевидение орқали эфирга чиқиб, самолёт бортида 22 киши бўлганлигини айтган. Ҳалокат жойига қутқарувчи ва ўт ўчирувчилар жўнаб кетган.

Saad 340 самолёти Швециянинг Saad концерни томонидан ишлаб




чиқилган бўлиб, 2009 йил июнь ҳолатига жаҳондаги 30 та мамлакатда жами 413 та шундай самолётдан фойдаланилган.

**Интернет хабари асосида тайёрланди.**

НИГОҲ

# МАРКАЗИЙ ОСИЁГА ҚАРШИ ҚУРОЛ

**Роғун ГЭСининг техник лойиҳаси 1974 йилда СССР Госстройи томонидан ишлаб чиқилган эди. Москвада, зарблор коммунистик қурилиш шароитида имзоланган лойиҳада Марказий Осиёда экологик мувозанатни сақлаш, хусусан, Орол денгизи суви ва биохилмахиллигини асраб қолиш оз бўлсада, ҳисобга олинмаганди. Лойиҳага мувофиқ экинлар парвариши даврида сув ҳам Москванинг кўрсатмаси билан бериларди. Гап шундаки, у пайтда Кремлда ўтирган бошлиқлар сув оқимини битта қўнғироқ орқали бошқаришарди. Роғун ГЭСи минтақанинг қуйи қисмидаги мамлакатларни сув таъминоти масаласида дўқ-пўписа билан товлаш қуролига айланиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмаганлар.**

Шундай қилиб, Роғун гидро электр станцияси қурилиши 1976 йилдаёқ бошлаб юборилди ва биринчи навбатини 1993 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилди. Бироқ, Совет Иттифоқи қулаб, Тожикистонда ҳокимият учун биродаркушлик уруши бошлангани ҳамда иқтисодиётнинг издан чиққанлиги қурилишнинг тўхтаб қолишига сабаб бўлди.

Қўшни мамлакатлар кўмагида ҳукумат тепасига келганлар, яъни Тожикистоннинг ҳозирги раҳбарлари узоқ йиллик бошқарувдан сўнг ҳам мамлакатни иқтисодий бўҳрондан олиб чиқолмадилар. Ниҳоят, Роғун ГЭСининг лойиҳаси архив тубидан топиб чиқилди. Торгина доирадаги нопрофессионаллар наздида бу гидроиншоот улкан текин энергия, яъни пул манбаи. Бундан ташқари, қўшни мамлакатларга сув беришни тартибга солиш имконини беради ва шу билан минтақадаги сиёсий вазиятга таъсир ўтказиш мумкин бўлади.

Ҳаммаси шундан бошланди. Лойиҳа қайта тирилди. Тирилганда ҳам ҳукумат томонидан тасдиқланган миллий дастур мақомини олди. Бироқ, худди йигирма йил илгари бўлганидек, лойиҳани амалга ошириш учун пул бўлмади. Қурилиш учун халқаро молия институтларидан кредит олиш йўлидаги кўп бора уринишлардан натижа чиқмади. Имомали Раҳмон эса, миллатни қутқаришнинг бундай беқиёс режасидан ўзида йўқ курсанд эди. Ундан фарқли ўлароқ, Тожикистон мурожаат қилган Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Бутунжаҳон банки, ўндан зиёд давлатларнинг ҳукуматлари оғир-босиқ ва холис йўл тутдилар. Аниқ қилиб айтиладиган бўлса, сейсмик жиҳатдан жуда хавфли ва иккита тектоник қатлам туташган жойда, минтақа экологияси ҳамда кўплаб мамлакатларнинг табиати ва иқтисодиётига зиёнли тарзда бундай улкан гидротехник иншоотни қуришдек ўта қалтис қадамни рад этдилар.

Шундай вазиятда республика раҳбарлари энг сўнгги чора – ўз халқидан пул йиғишга қарор қилди. Фақат зулмкор тузумдагина шундай қилиниши мумкин. Хуллас, "Роғун ГЭС" очиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди. Унинг акциялари аҳолига том маънода тиқиштирилди. Республика президентининг миллат тараққиёти ва буюк келажак учун ягона ва энг сўнгги имконият сифатидаги Роғун ГЭС акцияларини сотиб олиш юзасидан миллатга мурожаатини мамлакат оммавий ахборот воситалари АҚШ президентининг турғунлик давридаги ва Япония императорининг Хиросима ва Нагасакидаги атом бомбаси портлашидан кейинги чиқишларига тенглаштирди.

Халқаро ҳамжамият Тожикистоннинг хатти-ҳаракатини тушунмаётганини баён этди. Президент-ҳоқон Имомали Раҳмон янги намойишкорона ҳаракат бошлади. Ўз режаси минтақа этагидаги мамлакатларда яшаётган 50 миллион аҳолини қурғоқчилик, очарчилик ва ҳосилсизликка дучор қилишини билиб туриб, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Тожикистоннинг нуқтаи назарига мувофиқлаштиришга чақирди.

Масалан, трансчегара оқар сувлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисидаги 1992 йил 17 мартдаги Хельсинки Конвенцияси ва БМТнинг халқаро оқар сувлардан кема қатновидан ташқари мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги 1997 йил 21 майда Нью-Йоркда қабул қилинган Конвенция нима учундир Тожикистонда "кўпроқ трансчегара дарёларининг экологик муаммоларига тегишли бўлиб, умумий (тавсия) характерга эга" деб топилибди. Қаранг-а, Тожикистон Республикаси юқоридаги конвенциялар иштирокчиси эмасмиш ва трансчегара сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги умумэътироф этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиши шартмасмиш. Аммо республика БМТ аъзоси, бинобарин, барча мажбуриятларни бажариши ва ҳуқуқларидан фойдаланиши лозим.

Тожикистон ҳукумати атайлаб, халқаро қонун ҳужжатларига қарши ўлароқ, ўз нуқтаи назарини БМТнинг 1972 йилги Стокгольм конференцияси тамойилларига ҳуқуқий жиҳатдан асосли эканлигини таъкидламоқда. Унда айтилишича, давлат ўзининг шахсий ресурс (сув)ларидан ўз экологик сиёсатига мувофиқ тарзда, бу хатти-ҳаракати ўзга давлатлар атроф-муҳитига зарар етказмаслигига ишонган ҳолда, эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Демак, ҳужжатда трансчегара эмас, ўзининг шахсий ресурслари ҳақида сўз юритилган-ку.

Имомали Раҳмоннинг Роғун ГЭС қурилиши хусусидаги қуйидаги нуқтаи назари ва изоҳи ҳам Тожикистон ҳукумати ва президентининг Марказий Осиёдаги қўшниларча муносабатини яққол кўрсатади: "Сув муносабатлари, шу жумладан, дарёлар мақомига боғлиқ масалалар, аввало, Тожикистон Республикасининг ички қонунчилиги асосида тартибга солинади... Сув кодексининг 145-моддасига мувофиқ, Тожикистон Республикаси ўзининг сув муносабатлари соҳасидаги сиёсатида ўз иқтисодиётининг барқарор ривожини таъминлаш, сув ресурсларидан халқаро сув ҳуқуқлари асосида фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона ҳамкорликда бўлиш, умумэкологик хавфсизлик, сув муносабатлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш нуқтаи назаридан келиб чиқади... 146-моддага мувофиқ, бошқа давлатлар билан сув муносабатларининг иқтисодий асослари халқаро сув ҳуқуқлари ва давлатлараро битимлар негизида белгиланади".

Имомали Раҳмон учун асосийси ички қонунлар, халқаро актлардан эса, Тожикистоннинг нуқтаи назарига мос тарзда фойдаланилади ва талқин этилади.

Яна бир гап. Музлик даври тугагандан сўнг Марказий Осиёнинг барча оқар сув манбалари Тожикистон ҳудудида шаклланган бўлса, мамлакатнинг Сув Кодексидаги "ўзаро фойдали ҳамкорлик" ибораси нимани англатади? Балки, Она табиатнинг ўзи Вахш ва Зарафшонни, Сирдарё ва Амударёни Имомали Раҳмон учун махсус яратгандир? Шундай экан, айтайлик, агар Канада АҚШдан штатларнинг ифлосланган саноати ва атмосфера ҳавосини тозалаб бераётган эвазига ёмонлари учун ҳақ тўлашни талаб қилса нима бўлади?

Тожикистоннинг расмий нуқтаи назарига шарҳдаги ушбу сатрлар ҳам бундай хатти-ҳаракатлар ифлос қутқудан бошқа нарса эмаслигини билдиради: "дарё сувларини тартибга солиш (тўплаш ва узатиш) каби минтақадаги қуйидаги мамлакатларнинг ирригация мақсадларига хизмат қилаётган бошқа тадбирлар натижасида Тожикистоннинг иқтисодиёти ва атроф-муҳитига катта зарар етказилди".

Дарё сувларини тартибга солиш, аввало, Тожикистоннинг мавжуд электр станциялари каскадининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида тартибга солинаяпти. Тожикистон "жуда қайғураётган" қуйи қисмдаги мамлакатлар ҳар йили ўз дарёларини қирғоқларини маҳкамлашга мажбур бўлаяптилар. Туркманистон, хатто, ер кўчкилари олдини олиш учун зарур чоралар кўрмоқда. Негаки, Тожикистон экинлар парвариши даврида сувни тўплаб ва сақлаб, айни куз-қиш пайтида яъни электр қувватига эҳтиёж кучайган чоғда қуйига ёппа оқизиб юборади.

Юқорида тилга олинган шарҳда яна шундай дейилади: "Тожикистон ўз ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ва бошқа сув манбаларини ҳимоялаш ҳамда сув сифатли бўлишини таъминлаш учун сарф-харажатлар қилаяпти. Тожикистоннинг сув манбаларига ҳар йили қўплаб чўкинди ва ифлослантирувчи бошқа моддаларга тўла ўнлаб куб метр сув келиб тушади. Бу сувлар тоза сувга қўшилиб ёки чўкинди ва чиқиндилардан тозаланиб, қуйи мамлакатларга тоза ва зарарсиз ҳолда узатилади". Ҳақиқий аҳволдан бехабар одам Имомали Раҳмоннинг ўз қўшнилари – Туркманистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳақида бу қадар "қайғураётгани"дан меҳри товланиб кетса ажаб эмас. Аммо, ҳар қандай гидроэнергетик биладики, гидроэлектростанциянинг рисоладагидек ишлаши учун биринчи галда тоза сув керак. Бактерия ва биомоддаларга тўйинган ифлос ва лойқа сув ГЭСнинг ресурсларини тез ишдан чиқаради, бетон ва темир конструкцияларни ифлослантиради, эрта коррозия чақиради.

Кўриниб турибдики, Роғун лойиҳаси бошқа давлатларга қарши қаратилган ва Марказий Осиё минтақасидаги экологик вазиятга хавф солади, дейиш мумкин. Тожикистонда гидроэнергетика иншоотларини қуриш минтақанинг экологик тизимини ёмонлаштириб, атайлаб дарё оқимини камайтиришга олиб келади. Тожикистон гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширар экан, қўшни давлатларни арзон электр қувват билан таъминлашга эришолмаслигидан ташқари бутун минтақада техноген хусусиятига эга бўлган ҳалокатли вазиятни вужудга келтиради.

**Роман СОБОЛЕВ.**
«Белый Парус» интернет газетасидан.


# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2011 йил 21 июнь соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади.**

**1. Битта пакет билан:**
**ВХ-469** "С. Раҳимов ф/у – Чорсу савдо маркази"
**ВХ-555 й.т.** "Ғишт кўприк маҳалласи – Қуёшли улгуржи бозори"
**ВХ-567 й.т.** "Тошкент ф/у 2-бўлим – Чорсу савдо маркази"
**2. ВХ-591 й.т.** "Тўйтепа АББ – Тошкент (Офицерлар уйи)"
**3. ВХ-454 й.т.** "Иттифоқ маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"
**4. ВХ-508** "Чирчиқ АББ – Қоратухум қишлоғи" (Чирчиқ АББ томондан)
**5. ВХ-518** "ЭХП – Озодбош қишлоғи" (ЭХП томондан)
**6. ВХ-203** "Луб завод – Қўйлиқ АШБ"
**7. ВХ-371 й.т.** "Жумабозор қишлоғи – Қўйлиқ АШБ"
**8. ВХ-456 й.т.** "А. Яссавий ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**9. ШИ-12 й.т.** "Соғлом маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш)
**10. ШИ-18 й.т.** "Тоҳир дўкони – Ангрен кўмир кони" (Ангрен ш)
**11. ШИ-19 й.т.** "Ангрен АШБ – Янгиобод АШБ" (Ангрен ш)
**12. Битта пакет билан:**
**ШИ-2 й.т.** "ЧКСМиК – 2 кичик ноҳия"
**ШИ-9 й.т.** "Ором дам олиш уйи – 3-кичик ноҳия"
**ШИ-22 й.т.** "8-кичик ноҳия – Пойабзал фабрикаси"
**ШИ-25 й.т.** "Чинор маҳалласи – Айланма"



**13. ВХ-426** "Тўйтепа АББ – Ўртасарой – Қўйлиқ АШБ"
**14. ВХ-430** "Ким Пен Хва ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**15. ВХ-437** "Тўйтепа АББ – Қайтмас қишлоғи"
**16. ВХ-444** "А.Навоий ф/у – Қўйлиқ АШБ"
**17. ШИ-21 й.т.** "Тиббиёт коллежи – Ойдин-Марказий бозор" (Олмалиқ ш)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)ининг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2011 йил 16 июнь соат 18.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2011 йил 20 июнь соат 18.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**


Утерянный диплом К № 1510770, регистр. № 14066 о среднем образовании, выданный в 2010 году С. Рахимовским медицинским колледжом на имя Рахимовой Дилдоры Мохировны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент шаҳар С. Раҳимов тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "QOBILJON-MELINISA" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда номи "ECO SYSTEMS GROUP" масъулияти чекланган жамиятига ўзгариши муносабати билан даъволар 111-58-61 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ҳамза тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Асатуллаева Дилфуза Шукрулла қизига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MEGA FURNITURE", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского района г. Ташкента (реестр. № 003882-05 от 08.01.2010г.) расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. ТошМи-2, дом 38 (ИНН 301429681, ОКПО 23091577) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную круглую печать ЧП "AKRAMOVA DIL`NOZA NURMAXAMMATOVNA" (ИНН 478516894), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, выданную разрешительным отделом Учтепинского РОВД, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GLOBAL GAS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 212 992 419 сўмдан 151 404 685 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный диплом КВ № 805331, выданный Ташкентским Гос. Медицинским институтом в 1983 году на имя Джумановой Дилярам Амановны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2011 йил 7 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.12.2009 йилдаги № ЖСР1-326/09-сон ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-мавзе, 6/1-манзилида жойлашган, ум. майдони 1033 кв.м дан иборат МЧЖ "TIM SERVIS PLYUS" корхонасига тегишли бўлган бино (болалар боғчаси) қўйилмоқда, бошланғич нархи – 186 208 364 сўм. Аукцион савдолари соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

# ЭНГ ЯХШИ КИТОБХОН

Пискент туманидаги 4-мактаб қошидаги ахборот-ресурс марказида "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови ўтказилди. Унда тумандаги мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари қатнашдилар.

Танловда ўқувчилар таништирув, ўқилган асарлар ва шеърий тўпламлар юзасидан китобхон билимини аниқлаш, баҳрибайт ва эркин мавзу каби шартларни бажаришди.

Тадбир якунига кўра, 32-мактаб ўқувчиси Барно Эгамбердиева ғолиб бўлди ва кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритди.

**Ҳаким ТЎЛҚИНОВ.**



# МЕҲР-ОҚИБАТ ЧАШМАЛАРИ

**Зангиота туман Қизғалдоқ қишлоғи Абдуманнон Ғаниев маҳалласида истиқомат қилаётган Мадалиевлар оиласи шу кунларда жуда гавжум. 106 ёшни қаршилаётган Унсин момони зиёрат қилиш учун 30 невара, 24 эвара, 12 чевараю ўғил ва қизлари жамулжам бўлишган.**

– Қишлоғимиз 20 йилдан буён бутунлай ўзгача қиёфа касб этаётганини шоҳиди бўлиб турибман. – Бу каби ўзгаришларни кўриб, кексаликни тан олмай, ҳамиша невара, эвара, чевараларим каби ёшаргим келаверади, – дейди Унсин момо. – Илоҳим ҳамиша юртимиз шундай жаннатмакон, дунё ҳавас қилгудек шуҳрат топсин. Биз кексалар шундай озод ва обод юртда роҳат ва фароғатда умргузаронлик қилиб юраверайлик.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

**СУРАТДА:** Унсин момо оила даврасида.

**Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.**

**СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ**

# ЎЗБЕКИСТОН «D» ГУРУҲИДА ЎЙНАЙДИ

**Мехико шаҳрида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қуръа ташланди**

Жорий йилнинг 18 июнь – 10 июль кунлари Мексиканинг етти шаҳри – Мехико, Гвадалахара, Монтеррей, Морелия, Торреон, Пачука, Куэретаро мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг энг кучли йигирма тўрт терма жамоаси ғолиблик учун куч синашади. Улар орасида жаҳон чемпионатларида уч мартадан зафар қучган Бразилия, Аргентина, АҚШ ва Германия ўсмирлар терма жамоалари билан бир қаторда ушбу нуфузли мусобақада илк маротаба қатнашаётган Ўзбекистон, Панама ва Руанда каби мамлакатлар футболчилари ҳам бор.

Мехикода ўтказилган қуръа ташлаш маросимида 24 терма жамоа олти гуруҳга ажратилди. Алексей Евстафеев шогирдлари жаҳон чемпионатининг "D" гуруҳида АҚШ, Чехия ва Янги Зеландия ўсмирлар терма жамоаларига қарши майдонга тушадиган бўлди. Мутахассислар ўзбекистонлик футболчиларнинг гуруҳдан чиқиш имкониятини юқори баҳоламоқда. Қоидага биноан, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўлланма олади.

Жаҳон чемпионатида Осиё қитъаси шарафини ҳимоя қиладиган яна уч мамлакат терма жамоалари ҳам маълум бўлди. Қитъамиз чемпиони сифатида тўп сурадиган Корея Халқ Демократик Республикаси вакиллари "А" гуруҳида Мексика, Нидерландия ва Конго футболчилари билан рақобатлашади.

"В" гуруҳига тушган Япония футболчилари Франция, Аргентина ва Ямайкага рўбарў келади. Осиё футбол конфедерациясининг яна бир аъзоси – Австралия вакиллари "F" гуруҳидан чиқиш учун Бразилия, Дания ва Кот д' Ивуар ўсмирларига қарши баҳс олиб боради.

Шунингдек, "С" гуруҳидан Уругвай, Канада, Руанда ва Англия, "Е" гуруҳидан Буркина-Фасо, Панама, Германия ҳамда Эквадор ўсмирлар терма жамоалари жой олди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ беллашувларини Торреон шаҳрида ўтказади. Ҳамюртларимиз 19 июнга белгиланган дастлабки учрашувда Океания минтақаси саралаш мусобақаси ғолиби – Янги Зеландия вакилларига қарши майдонга тушади. 22 июнь куни бўладиган иккинчи ўйинда Алексей Евстафеев шогирдлари америкалик ёш футболчилар билан рақобатлашади. Гуруҳдаги сўнгги учрашув 25 июнь куни Европа вакили – Чехия ўсмирлар терма жамоасига қарши ўтказилади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг «Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссия»нинг 2011 йил 18 майдаги 24-Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Ўртачирчиқ туманидаги «NURMAT TRANS SERVIS» ХКга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолияти учун 2008 йил 27 март куни берилган "АТ" серияли 000034 рақамли лицензия фаолиятини 6 ой муддатга тўхтатиш тўғрисида Тошкент вилояти Хўжалик судига даъво аризасини киритганлигини маълум қилади.

**ҲАЁТ САБОҚЛАРИ**

# ТАҚДИР СИНОВИ

*Ёр кўксининг тафтини қўмсаб,*
*Туни билан юм-юм йиғлади.*
*Икки елкасидан қучиб қўллари,*
*Ўз сочларин ўзи силади.*

Маҳлиё бир нуқтага тикилганча узоқ туриб қолди. Турмуш ўртоғи Собиржон билан ўтказган бахтли дамлари кўз олдидан бирма-бир ўтаркан, уни жуда-жуда соғинганини ҳис этди. Юзларини ювиб тушаётган соғинч ёшлари вужудида кучли титроқ уйғотиб, бўғизидан аламли ҳайқириқ бўлиб отилиб чиқди. Маҳлиё бағрини ерга бериб, ўкраб-ўкраб йиғлади...

Собиржоннинг ўлимидан кейин Маҳлиё ўзини анча олдириб қўйди. Яшашдан маъно қолмаган, ҳаётга бўлган интилиши сўнган, бор-йўғи 22 ёшида бева қолган бу аёл хаёлини банд этган савол "энди нима қиламан?"га жавоб тополмай қийналарди. Яхшиямки ҳаётида милт этган учқун, қизалоғи Одина бор экан. Йўқса...

Маҳлиё ўзини иш билан овутди. Касбдошларининг "ҳамма нарсанинг давоси – вақт" дейишларига қарамай ўзини ишга бағишлади. Собиржонсиз ўтаётган ҳар дақиқа йилларга тенг бўлиб туюлса ҳам Маҳлиё эрининг хаёли билан яшарди.

Кечки пайт Одинани боғчадан олган Маҳлиё қизчасининг тўхтовсиз берган саволларига жавоб бериб уйга етиб оларкан, ўзи учун эмас, шу мурғак гўдакни ўйлаб бир қошиқ иссиқ овқат қилган бўларди. Сўнгра ул-бул нарсадан тотиниб, қизчасини ухлатади. Шундан кейин олдинда турган узундан-узоқ тун Маҳлиёни ўз домига тортади.

Туни билан қайғули ва совуқ ҳисларни бошидан кечирган Маҳлиё эрта тонгда қизчасини етаклаб боғчага ошиқади. Мана бугун бешинчи кунки, боғча олдида бир хил манзарани кузатаётган Маҳлиё ниманидир сезгандай ичидан зил кетди. Одина тилидан қўймай гапирадиган ўртоғи Бонунинг дадаси уларни боғча олдида кутиб олди. Саломлашган киши бўлиб, ўтли нигоҳларини аёлга қадади. Бу қандай шармандалик, қандай синов. Собиржоннинг тупроғи совиб улгурмай, учраган эркак гап отса, бунга қандай чидаш мумкин?

– Маҳлиёхон, эртага дам олиш куни. Қизимни ҳайвонот боғига олиб бормоқчи эдим. Сиз ҳам Одина билан бизга ҳамроҳ бўлинг, – деди Аваз ака Маҳлиёни бугун ҳам боғча олдида кутиб оларкан.

Маҳлиё бегона эркакдан бу гапни эшитиб, титраб кетди:

– Таклифингиз учун раҳмат, бироқ эртага биз бувимизни кўргани дала ҳовлига бормоқчи эдик, – деди гапни чўрт кесиб.

Эртаси куни Маҳлиё айвончасининг деразасидан пастга қараганда, дарахтлар панасида турган оқ рангли "Нексия"га кўзи тушганди. Орадан 3-4 соат ўтса ҳамки, машина жойидан қўзғалмаганини кўриб, ҳайрон бўлди. Бу Аваз аканинг машинаси экан. Тушундики, Аваз ака Маҳлиёнинг йўлини пойлаяпти.

"Ёлғиз аёлнинг бошига..." деганлари рост экан. Йўқса, Аваз ака қайда-ю, мен қайда? У тагли-тахтли одамларнинг фарзанди, нуфузли идоранинг бошлиғи. Менда қандай иши бўлиши мумкин?" Шу хаёллар билан бўлган Маҳлиё боғчага етиб келганида яна Аваз акага дуч келди. "Кеча бувингизникига яхши бориб келдингизми?" деб сўраган Аваз акага Маҳлиё биринчи марта нафрат билан боқди. Ўйлаб ҳам ўтирмай, оғзига келган гапни қайтармади:

– Сизнинг нима ишингиз бор? Кеча ҳеч қаерга бормаганимизни яхши билсангиз керак. Ахир уйимиз олдида озмунча пойлоқчилик қилдингизми?

Маҳлиёдан бундай муомалани кутмаган Аваз ака турган ерида қотиб қолди. Нима деб жавоб қайтаришни билмай, ўнғайсизланаркан:

– Тўғри, кеча сизларни анча вақтгача кутдим, – деди базўр. – Аммо бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Маҳлиёхон, иккимиз ҳоли гаплашиб олсак бўларди...

Шу пайт боядан бери онасининг қўлидан тортқилаётган Одина:

– Ойижон, боғча опам бизга қараб туришдилар. Мени ўртоқларим чақиришаяпти, – деди.

– Фақат боғча опанг эмас, ҳамманинг кўзи бизда эканлигини манави амакинг тушунишни истамаяптида, қизим.

Маҳлиё бу гапни бироз юмшоқроқ қилиб айтди. Бу пайтда Одина чопқиллаганича боғчасига кириб кетаркан, панжараининг ортидан онасига қўл силкитиб, хайрлашган бўлди. Орадаги совуқ вазиятни бироз юмшатгани учун Одинадан миннатдор бўлган Аваз ака ҳам қизалоққа қўл силкитди.

* * *

Тақдир ўз синовлари билан Маҳлиёни обдон қийнади. Турмуш ўртоғидан жудо бўлди. Энди унга кимнингдир раҳми келса, бошқа биров шубҳа билан қарайди. Эрли аёллар учун эса у энг хавфли рақиб эканлиги кундай равшан. Йўқса, қўшниси Холидахон эрини Маҳлиёдан рашк қилиб, жанжал кўтармаган, Шаҳнозанинг турмуш ўртоғи унинг "тугун оши"сини ичиб мақтаганда, дугонаси Маҳлиёга қаттиқ-қуруқ гап айтмаган бўларди? Ҳаммадан ҳам кўча-кўйдаги эркаклар, таниш-нотанишлар унга ўзгача нигоҳ билан қараётгандай туюлаверади. Бу эса Маҳлиёга баттар азоб берарди.

Истаган вақтида Маҳлиёнинг йўлига чиқиб, унга сўз қотадиган Аваз ака бугун тўппа-тўсатдан мақсадга кўчди. Эмишки, у Маҳлиёни ноқонуний хотинликка олармиш. Фақат шу шарт биланки, буни ҳеч ким билмаслиги керак, ҳатто, Аваз аканинг оиласидагилар ҳам.

Бировнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўла олмаслигини яхши биладиган Маҳлиё қандай қилиб бу таклифга кўнсин? Қолаверса, у Авазни севмайди-ку! Эрини унутиш, унинг руҳига хиёнат эмасми?

Маҳлиё шаҳардан бош олиб кетди. Эҳтимол уни бошқа ерда ўзга бахт кутаётгандир. Бироқ, у Аваз ака инъом этмоқчи бўлган омонат бахтдан юз ўгирди. Ўзгалар бахтига чанг солмади.

Аваз-чи? У Маҳлиёни йўлдан урмоқчи бўлди-ю, бунинг уддасидан чиқолмади. Маҳлиё у чалган ноғорага ўйнамагани роса алам қилса ҳам мағлубиятини тан олишга мажбур эди.

**Аллома АЗИЗОВА.**


**Оҳангарон туманидаги «Оҳангарон зарбдорлари» агрофирмаси ҳисобидаги қуйидаги асосий воситалар сотувга қўйилади:**

| Т/р | Номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бошланғич қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Марказдаги идора | дона | 1 | 10300000,00 |
| 2 | Қурилиши тугалланмаган сабзавот омбори | дона | 1 | 20000000,00 |
| 3 | Эски Чашма биноси | дона | 1 | 8373400,00 |
| 4 | Дала шийпони | дона | 1 | 1800000,00 |

**Манзилимиз: Оҳангарон тумани, Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини, Охунбобоев қишлоғи ҳудудидаги "Сарвар Азиз Умарзода Рамзи" фермер хўжалиги.**



**«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати» уюшмаси «Эксперт кенгаши» томонидан «Ўсимлик ёғларига хавфсизлик талаблари» махсус техникавий регламенти ишлаб чиқилди. Техникавий регламент юзасидан фикр ва мулоҳазалар қуйидаги манзилда қабул қилинади. 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 9-уй «Yog`tahlil servis» МЧЖ. Тел/факс: 241-77-03.**



**ОАТБ «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»**

**вилоятдаги ўз акциядорлари ва мижозларига, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, пластик карточка эгалари ҳамда омонатчиларга, уларнинг банк фаолияти билан боғлиқ масалалари юзасидан мурожаатларини тезкор қабул қилиш мақсадида Марказий идорада ташкил этилган қуйидаги**

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» (+99871) 150-10-01**

**орқали мурожаат қилишлари мумкинлигини маълум қилади.**

*«Қишлоқ қурилиш банк» – фаровон ҳаётингиз хизматида!*


**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

# АДОЛАТДАН ЗАЛОЛАТГА БИР ҚАДАМ

Юсуфжон Содиқовнинг бошига мушкул иш тушди. 2010 йил май ойида фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро суди уни Фарғона шаҳри Қиргули мавзесида яшаётган уйидан кўчириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Суд ижрочилари уни уйидан кўчириш ҳаракатига тушишди. Ю. Содиқов қарорни бекор қилишни сўраб фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига мурожаат этиш тараддудида адвокат излади. Ўтган йил август ойида танишлари тавсия қилган Фарғона шаҳри Х. Ниёзий кўчасидаги "Фарғона адолат тимсоли" адвокатлик фирмасига бориб, Салимжон Усмоновга учради. Адвокат фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси номига кассация шикояти ёзиб беришни ўз зиммасига олди. Юсуфжон шу тариқа Салимжон билан танишиб қолди. Адвокат "Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг раисини, вилоят суди судьясини яхши биламан, уларнинг ёрдамида ишингизни тўғрилаб бераман" дея ваъдани қуюқ қилди ва хизмати учун 200 минг сўм сўраб олди. Юсуфжон кунора ҳимоячининг йўлини пойлади. Идорасига бориб, иши ҳал бўлган-бўлмаганини суриштирди. Октябрь ойи ўрталарида С. Усмонов яна унинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирди:

– Битимни ҳақиқий эмаслигини исботлашнинг имкони йўқ, деган хулосага келишди. Бунинг ўрнига судга қарзни ундириш ҳақида даъво аризаси берамиз. Ишингизни ҳал қилиш, Роза Худойқуловадан ҳақингизни ундириш тўғрисида қарор чиқартирамиз. Иш бошида судьяга беш юз доллар берамиз. Хўп, десангиз, мен гаплашаман.

Ҳимоячи таваккал қилмоқда эди. Агар ишда ютиб чиқса, мижозидан тағин беш юз долларни қуртдай санаб олади. Мабодо ютқазиб қўйса ҳам осмон узилиб ерга тушмайди. Иш бошида ундан алдаб олган 500 долларни қайтариб берса, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверади.

"Бечорани туяни устида ит қопибди, деганлари шу экан-да!" Юсуфжон ичида ғижинди-ю, сездирмади. "Кучли ҳимоячи, қонунларни беш қўлдай билади. Ҳал қилув қароридаги асоссиз далилларни пучга чиқаради, дейишган эди. Хизматига аввал ўн беш минг, кейин икки юз минг олди-ку! Тағин безрайиб фалонча берасан, деб турибди. Ўзи нима аҳволдалигимни кўриб-билиб турган бўлса. Шунчалик паст кетадими, одам деган!"

– Бўпти, мен рози, фақат ҳақимни ундириб берсангиз бўлди! – деди Юсуфжон. – Ҳозир бунча пулим йўқ. Топиб бераман.

С. Усмонов мижози ноҳафоза қилиш органи ходимлари икки холис билан кириб келишди. С. Усмонов мижозидан бир миллион бир юз минг сўм пора олганини инкор этолмади. Яширган жойи – сейфидан пулни олиб, стол устига қўйди.

– Бу иш ҳақида судья билан гаплашмаганман. Эҳтимол, судда иш Юсуфжоннинг фойдасига ҳал бўлар, ўшанда тағин беш юз долларини оламан, агар иш чаппасига кетса, ҳозир олган пулни қайтариб бераман, деб ўйлагандим.

Адвокатнинг хонаси кўздан кечирилганида яна 2060 АҚШ доллари ва 112 минг сўм пул далилий ашё сифатида олинди.

– Долларларни оғайним Саиджон сейфингизда турсин, деб бериб қўйганди, – деди С. Усмонов. Бироқ, гувоҳ С. Раҳмонов ўзи ишлаётган корхонанинг қарзини ундириш хусусида даъво аризаси тайёрлаш жараёнида С. Усмонов билан танишгани, унга сақлаш учун пул бермаганини баён этди. Аслида бу пуллар ҳам мижозлардан таъмагирлик билан олинган "хизмат ҳақи" эди.

Юридик институтни битириб, ИИБ терговчиси, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг судьяси лавозимларида ишлаган, 2006 йили лавозимидан бўшагач, идоралардан бирида ҳуқуқшунослик қилган, 2009 йилдан буён адвокатлик билан шуғулланиб келган ҳуқуқшуноснинг "фаолияти"га шу тариқа чек қўйилди. Қонунларни миридан сиригача билган, фуқароларни ҳимоя қилишдай масъулиятни зиммасига олган адвокатнинг жиноий қилмиши қуюшқонга сиғмайди. Нафсининг ноғорасига ўйнаб, касбига хиёнат қилган "ҳуқуқшунос" устидан суд ўз ҳукмини чиқарди. Адолат эмас, залолат тимсолига айланган адвокат қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олиш учун етадиган муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Миржамол СОДИҚОВ, Фарғона вилояти прокуратураси терговчиси.**

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 2 октябрдаги 002032-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Ҳамза тумани, Сивец кўчаси, 25-уй манзилида жойлашган "FRESH NATURAL" (СТИР 300953974) масъулияти чекланган жамияти тугатилади.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисида 19.05.2011 йилдаги 1-сонли қарор.

Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 364-67-76 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянное дополнение к уставу ООО "VELPHARM STAR TRADE", зарегистрированного отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента (ИНН 207088251),

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатдан ўтган "SAVRI BIZNES SAVDO" МЧЖ устав жамғармаси 17 533 901 сўмдан 1 500 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 277-08-95.

Спортивно-физкультурный клуб в форме ООО "SHEN LUNG DAO" (ООО СФК "SHEN LUNG DAO"), (ИНН 300874494), зарегистрированное 26 июня 2008 года инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Учтепинского района (с последующей перерегистрацией 17 апреля 2009года), почтовый адрес: г. Ташкент, массив Чиланзар 21-квартал, дом 11, квартира 8, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения учредителя № 2 от 20.05.2011г.).

Требования кредиторов могут быть заявлены в течение двух месяцев с даты опубликования объявления по указанному адресу.

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 18 май 39-сонида чоп этилган "Бўстонлиқ туманидаги 28-ўрта мактаб томонидан 2009 йилда Тохтаганова Гулдана Шералиевна номига берилган O`R-SHA № 102592 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилиниши тўғрисида"ги эълон

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Сувсоз" давлат унитар корхонаси "Suvo`lchagich xizmati" шўъба корхонасининг уставига ўзгартиришлар киритилди, яъни устав фонди миқдори 29 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайганлигини маълум қилади.

"QUMLOQ BAROKAT SAVDO" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айланишини маълум қилади.

Пискент туман ДСИ Хавфсизлик ва солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш бўлими бўйича тезкор ходими Шейхов Фарход Собирович номига Тошкент вилоят бошқармаси томонидан берилган TV-6858-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Сайёра РИХСИЕВА**

Навбатчи
**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ**

Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 12658. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**



Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 2345